

Давлат статистика кузатувлари шаклларига индекслар бириктириш бўйича Регламент

1. Давлат статистика кузатувлари шаклларига индекслар бириктириш бўйича регламент (кейинги ўринларда – Регламент) статистика амалиётида фойдаланилаётган давлат статистика кузатувлари шаклларига индексларни бириктириш ишларини тизимлаштириш ва бунда ягона ёндашувни таъминлаш, давлат статистика органлари ходимлари, ҳисобот тақдим этувчи субъектлар ва бошқа фойдаланувчилар томонидан ҳисобот шаклларининг тури, даврийлиги ва мазмунининг осон тушунилиши ҳамда фойдаланишда қулайлик яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Регламент давлат статистика кузатувлари шаклларига индекслар бириктиришнинг ягона тартиб ва қоидаларини белгилаб беради.

3. Ҳар бир давлат статистика кузатуви шаклига бириктириладиган индекс унинг муайян статистика йўналишига ёки тармоғига тегишлилиги, тури, даврийлиги ва асосий мазмунидан келиб чиққан ҳолда бошқа давлат статистика кузатуви шаклларида ўзаро фарқланишини таъминлаши лозим.

4. Индекс давлат статистика кузатуви шаклига Давлат статистика қўмитаси томонидан бириктирилади ва ягона ҳисобланади.

5. Давлат статистика кузатуви шаклининг индекси қуйидагилардан иборат бўлган белгилардан ташкил топади:

кузатув шаклининг даврийлигини акс эттирувчи рақамдан (рақамлардан);

давлат статистикаси йўналиши ёки тармоғини (кичик тармоғини) акс эттирувчи қисқа ҳарфли белги, қисқартирилган ёки битта сўз белгисидан;

кузатув шаклининг асосий мазмун-моҳиятини очиб берувчи калит сўз (сўзлар) ёки ҳарфли қисқартмадан ташкил топган қўшимча номдан.

6. Давлат статистика кузатуви шаклига бириктирилган рақам (рақамлар) индекси давлат статистик кузатуви шаклини тақдим этиш даврийлигини акс эттиради. Ҳар бир рақам (рақамлар) мазкур Регламентнинг 1-иловасига мувофиқ, давлат статистика кузатувлари шакллари тақдим этиш даврийлиги таснифига мос равишда бириктирилади.

Масалан, 1 рақами – йиллик даврийликда ёки йилда бир марта тақдим этиладиган ҳисоботларга, 4 рақами – чораклик, 12 рақами – ойлик даврийликда тақдим этиладиган кузатув шаклларига бириктирилади.

7. Ҳар бир давлат статистика кузатуви шаклига унинг давлат статистикасининг муайян йўналиши ёки тармоғи (кичик тармоғи)га тегишлилигини билдирувчи қисқа ҳарфли белги, қисқартирилган ёки битта сўз шаклидаги ном берилади.

8. Бириктирилаётган қисқа ҳарфли белги, қисқартирилган ёки битта сўз шаклидаги ном устувор равишда статистика амалиётида қўлланилаётган ва кенг жамоатчилик учун тушунарли бўлган қисқартма ҳарфлар ёки сўзлардан иборат бўлиши, зарур ҳолларда нафақат статистика йўналиши ёки тармоғини, балки ҳисоботнинг асосий мазмунини ҳам очиб бериши лозимлигига эътибор қаратиш керак.

Масалан, *1-invest* шакли – инвестиция статистикаси, *1-savdo* шакли – савдо статистикаси, *1-mehnat* шакли – меҳнат статистикаси, *1-xizmat* шакли – хизматлар статистикаси, *1-moliya* шакли – молия статистикаси бўйича кузатув шаклининг тури эканлигини билдириб, шу билан бирга ушбу номлар мазкур кузатув шакллариининг асосий мазмунини ҳам акс эттиради.

Ҳисобот топширувчи субъектлар ва жамоатчилик томонидан осон тушуниладиган ва кенг қўлланиладиган қисқартма сўзлардан иборат *1-fx* шакли – фермер хўжаликлари фаолияти тўғрисида, *1-kb* шакли – кичик бизнес ёки тадбиркорлик фаолияти, *1-akt* шакли – ахборот-коммуникация технологиялари, *1-nnt* шакли – нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни билдирган ҳолда, ўз навбатида ушбу шаклларнинг муайян статистика йўналишига тегишлилигини ҳам билдиради.

Давлат статистика кузатуви шаклларига бериладиган қисқа ҳарфли белги, қисқартирилган ёки битта сўз шаклидаги ном кичик ҳарфларда ёзилади.

9. Статистиканинг бир йўналиши ёки тармоғи бўйича бир неча ўзаро ўхшаш ёки мазмун жиҳатдан яқин статистик кузатув шакллари мавжуд бўлса, уларнинг асосий мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда калит сўз (сўзлар) ёки ҳарфли қисқартмадан ташкил топган қўшимча ном бириктирилади.

10. Давлат статистика кузатуви шаклига бириктириладиган калит сўз (сўзлар) ёки ҳарфли қисқартмадан ташкил топган қўшимча ном давлат статистика кузатуви объектининг қисқа маъновий таркибини, яъни кузатув шаклининг асосий мазмунини акс эттириши лозим.

11. Бириктирилаётган қўшимча ном қавс ичида, кичик ҳарфларда, мазкур шаклнинг давлат статистикасининг муайян йўналиши ёки тармоғига

тегишлилигини билдирувчи қисқа ҳарфли белги, қисқартирилган ёки битта сўз шаклидаги бириктирилган номидан кейин ёзилади. Ушбу қўшимча ном кузатув шакллари ўзаро бир-биридан фарқлаш учун хизмат қилади.

Масалан: нарх статистикаси бўйича *12-narx (transport)* шакли – транспортдаги юк ташиш тарифлари бўйича нарх кузатувларини билдирса, *12-narx (aloqa)* шакли – алоқа тарифлари бўйича нарх кузатувларини акс эттиради;

қурилиш статистикаси бўйича *1-qurilish* шакли – қурилиш ишларининг бажарилиши тўғрисида кузатув шаклини билдирса, *1- qurilish (jismaniy)* шакли эса – жисмоний шахслар томонидан қурилган ва фойдаланишга топширилган турар жойлар ва нотурар бинолар тўғрисидаги кузатув шаклини акс эттиради;

инвестициялар статистикаси бўйича *1-invest (xorijiy)* шакли – хорижий инвестициялар тўғрисида, *1-invest (asosiy)* шакли эса – асосий капиталга киритилган жами инвестициялар тўғрисидаги кузатув шаклини билдиради;

соғлиқни сақлаш статистикаси бўйича *1-tib (aholi)* шакли – аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш фаолияти тўғрисида, *1-tib (bolalar)* шакли эса – болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги кузатув шаклини билдиради;

кичик бизнес статистикасига тегишли *1-kb (qurilish)* шакли – объектлар, қувватларни ишга тушириш ва уларнинг қурилишига йўналтирилган инвестициялар тўғрисида, *1-kb (eko)* шакли эса – табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги кузатув шакли эканлигини билдиради.

12. Агар тармоқ статистикаси йўналиши бўйича фақат 1 та кузатув шакли бўлса ёки бир қисқартма ном билан кузатув шаклининг асосий мазмунини тўлиқ очиб бериш имконияти бўлса, ушбу шаклдаги қисқартма номнинг ўзи ишлатилади ва унга калит сўз (сўзлар) ёки ҳарфли қисқартмадан ташкил топган қўшимча ном бириктирилмайди.

Масалан, *1-birja, 1-savdo, 3-don, 3-pilla, 1-hudud, 1-oila, 1-uy-joy, 1-muzey, 1-fan, 1-sugurta, 4-akt, 4-meva-sabzavot* шаклига бириктирилган қисқартма номлар бир вақтнинг ўзида мазкур кузатув шаклининг ҳам даврийлигини, ҳам қайси статистика йўналиши ёки тармоғига тегишлилигини, ҳам ҳисоботнинг асосий мазмунини ўзида акс эттиради.

Бу каби номлари осон тушуниладиган ва бошқа ўхшаши йўқ бўлган статистик кузатув шаклларига калит сўз (сўзлар) ёки ҳарфли қисқартмадан ташкил топган қўшимча ном бириктириш талаб қилинмайди.

13. Давлат статистика кузатуви шаклининг бириктирилган индексида, шаклнинг рақам (рақамлар) индекси ва қисқа ҳарфли белги, қисқартирилган ёки битта сўздан иборат ном индекси бир-биридан "—" дефис билан

ажратилади, калит сўз (сўзлар) ёки ҳарфли қисқартмадан ташкил топган кўшимча ном қавс ичида кўрсатилади.

Давлат статистика кузатуви шаклига индекс бириктиришнинг шартли намунаси мазкур Регламентнинг 2-илоvasида келтирилган.

14. Давлат статистика кузатуви шаклларига муайян индекс бириктириш бўйича таклифлар кузатув шаклига масъул бўлган тегишли тармок бошқармаси томонидан мазкур Регламент талаblари асосида, Статистика ишларини ташкил этиш ва методология бошқармаси билан келишилган ҳолда, кўриб чиқиш учун Қўмитанинг Эксперт-тахлил гуруҳига киритилади.

Эксперт-тахлил гуруҳи томонидан маъқулланган статистик кузатув шаклларининг индекслари Қўмита раисининг қарори билан тасдиқланади.

15. Давлат статистика кузатуви шаклларига бириктирилган индекслар ҳар йили, келгуси йил учун давлат статистика кузатуви шаклларининг муҳокамаси доирасида Қўмитанинг Эксперт-тахлил гуруҳи йиғилишларида кўриб чиқилади ва зарур ҳолларда уларга ўзгартиришлар киритилади.

16. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари билан йил давомида янги статистик кузатув шакллари жорий этилганда ёки мавжуд шаклларга ўзгартириш ва кўшимчалар киритилганда, уларга индекс бириктириш ёки мавжуд индексларни ўзгартириш мазкур Регламент талаblаридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Давлат статистика кузатувлари
шаклларига индекслар бириктириш бўйича
Регламентга 1-илова

**Давлат статистика кузатувлари шаклларини
тақдим этиш даврийлиги таснифи**

Кузатув шаклига бириктириладиган рақам (рақамлар) индекси	Давлат статистика кузатувлари шаклларини тақдим этиш даврийлиги
1	йиллик (йилда бир марта)
2	ярим йиллик (йилда икки марта)
3	йилда уч марта
4	чораклик
5	бошқалар (2 йилда бир марта, ҳафталик ва ҳ.к.)
12	ойлик

Давлат статистика кузатувлари
шаклларига индекслар бириктириш бўйича
Регламентга 2-илова

**Давлат статистика кузатуви шаклига индекс бириктиришнинг
шартли намунаси**

Кузатув шакли индекси	Бириктирилган индексларнинг маъноси	
1- sanoat (ishlab chiqarish)	йиллик	1
	саноат статистикаси	sanoat
	саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш тўғрисида ҳисобот	ishlab chiqarish
1-mehnat	йиллик	1
	меҳнат статистикаси	mehnat
	 йил учун меҳнат ҳисоботи	
2- sanoat (shartnoma)	ярим йиллик (йилда икки марта)	2
	саноат статистикаси	sanoat
	саноат корхоналарининг маҳсулот етказиб бериш ва моддий ресурсларни олишга шартномалар тузишининг бориши юзасидан ҳисобот	shartnoma
3-paxta	йилда уч марта	3
	қишлоқ хўжалиги статистикаси	paxta
	пахта хом-ашёси хариди ва тайёрланиши тўғрисида ҳисобот	
4- qurilish (ijtimoiy soha)	чораклик	4
	қурилиш статистикаси	qurilish
	ижтимоий соҳа объектлари қурилиши тўғрисида ҳисобот	ijtimoiy soha
4-avto	чораклик	4
	хизматлар соҳаси статистикаси	avto
	автомобиль транспорти иши тўғрисида ҳисобот	
5- qurilish (tugallanmagan)	бошқалар (<i>ушбу мисолда 2 йилда 1 марта</i>)	5
	қурилиш статистикаси	qurilish
	 йил охирига тугалланмаган қурилиш ҳолати тўғрисида ҳисобот	tugallanmagan
12- narx (sanoat)	ойлик	12
	нархлар статистикаси	narx
	ишлаб чиқарувчиларнинг саноат товарлари нархлари тўғрисида ҳисобот	sanoat

